O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 23 октябрь, № 206 (4616) Пайшанба


# САРМОЯВИЙ ҲАМКОРЛИК РИВОЖИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 октябрь куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийни қабул қилди.**





Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганини таъкидлади.

— Биз жадал ривожланаётган икки томонлама муносабатларни юксак қадрлаймиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистон делегациясининг жорий йил март ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Ташриф доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш борасида улкан ишлар бажарилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига сафари натижалари ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Сафар асносида хавфсизлик, сайёҳлик, экология, илм-фан, қимматли қоғозлар бозори соҳаларида, шунингдек, сармоявий, савдо-иқтисодий ва техникавий ҳамкорликка доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф чоғида Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум билан ҳам учрашиб, Ўзбекистон-Дубай муносабатларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, ушбу музокарада «Дубай холдинг» компанияси билан ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийнинг мамлакатимизга жорий йил июнь ойидаги ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» компанияси ўртасида ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олинган эди. Унинг бу галги ташрифи асносида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» ўртасида «Ўзэмиратхолдинг» қўшма сармоявий компаниясини тузиш тўғрисида битим имзоланиши билан бу ҳамкорлик амалий тус олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шафеълигида тузиладиган бу компаниянинг низом жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларидан иборат бўлиб, унинг 80 фоизи «Дубай холдинг», 20 фоизи Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилади. Янги компаниянинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади. «Ўзэмиратхолдинг»нинг асосий мақсадлари мамлакатимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият кўрсатиш, Ўзбекистонга тўғридан-тўғри хориж сармояси жалб этишга кўмаклашишдан иборат. Унинг ташкил этилиши иқтисодий ҳамкорликнинг яна бир улкан самараси бўлди.

2007 йилда Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 93,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари билан ҳамкорликда етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Улар озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш соҳаларида фаолият юритади.

Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовий самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Бирлашган Араб Амирликлари Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўламини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 28 040 сўм;

ёшга доир пенсиялар — ойига 55 550 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 28 040 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 55 550 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 33 645 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2008 йилнинг 16 ноябридан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 22 октябрь

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

***Бирлашган Араб Амирликларининг Вазирлар Маҳкамаси ишлари бўйича вазири, «Дубай холдинг» компанияси раиси Муҳаммад Абдулла ал-Қарқовийнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси билан «Дубай холдинг» компанияси ўртасида «Ўзэмиратхолдинг» қўшма сармоявий компаниясини тузиш тўғрисидаги битим имзоланди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум шафеълигида тузиладиган ушбу компания юртимизда ва хорижда сармоя соҳасида фаолият юритади, мамлакатимизга тўғридан-тўғри чет эл сармоясини жалб этишга кўмаклашади. «Ўзэмиратхолдинг»нинг низом жамғармаси 1,25 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиб, саксон фоизи «Дубай холдинг», йигирма фоизи эса Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси томонидан ажратилади. Янги компаниянинг бош қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашади.

Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларда жадал тараққий этмоқда. Мамлакатимизда Бирлашган Араб Амирликлари сармоядорлари иштирокида етмишдан зиёд қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг йигирмадан ортиқ компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Улар савдо, озиқ-овқат, электроника, тўқимачилик, қурилиш материаллари, транспорт хизмати кўрсатиш каби соҳаларда фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва ривожланиш жамғармаси фаолияти иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта таъмирлаш каби лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда мазкур жамғарма нефть-газ, кимё, электрэнергетика каби соҳаларда сармоявий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, у кўплаб хорижий молиявий муассасалар билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётир.

«Дубай холдинг» Бирлашган Араб Амирликларидаги энг йирик компаниялардандир. Ушбу холдинг юқори технологиялар, телекоммуникациялар, энергетика, саноат, кўчмас мулк, молия ва сайёҳлик каби соҳаларда иш юритувчи етти йирик компанияни ўз ичига олган.

**(ЎзА).**

***Жиззах шаҳрида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига пухта ҳозирлик кўрилаётир.***

## Фуқаролар йиғинларига сайловлар:

# ФАОЛЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ, ноябрь-декабрь ойларида мазкур сайлов бўлиб ўтиши белгиланган бўлиб, бу сиёсий тадбирга вилоят миқёсида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётир.

Ҳозирда Жиззах шаҳри ва туманларида 13 та фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия тузилган, уларнинг таркибидан давлат идоралари, жамоатчилик тизимлари — "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармаларининг вилоят бўлимлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари ўрин эгаллаган.

Вилоят бўйича 293 та ишчи гуруҳи — 105 таси қишлоқ, 175 таси маҳалла ва 10 таси овул фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган. Ушбу ишчи гуруҳлар аъзолари аҳоли орасида ўзини ўзи бошқариш институтларининг вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнидаги ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқий эркинликлари, фуқаролар йиғинлари раисларининг масъулиятли вазифаси, уларнинг қандай тажрибага эга бўлишлари кераклиги хусусида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Шунингдек, ушбу комиссия ва ишчи гуруҳи олдида сайлов қонунчилигини тарғиб этиш, уни ҳар бир фуқарога етказиш ҳамда сайловни уюшқоқлик билан ўтказишдек масъулиятли вазифалар турибди.

**Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

Бу ишда оммавий ахборот воситаларининг ёрдами катта бўлаётганини айтиб ўтиш лозим. Айниқса, вилоят газеталарида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ жараёнлар батафсил ёритиб борилаётгани эътиборга лойиқ.

Табиийки, мазкур сиёсий тадбирлар чоғида аҳоли томонидан кўплаб ижтимоий-маиший масалаларда саволлар туғилиши мумкин. Албатта, улар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича етарлича тушунтириш олишлари керак. Шундагина фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови юксак савияда ўтади.

Сайлов жараёнида халқ депутатларининг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларидан ҳам фаоллик талаб этилади. Айни пайтда ушбу сайловлар билан боғлиқ ҳужжатлар давлат идоралари, жамоат фондлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига юборилди. Шу билан бирга, сайловнинг туман ва қишлоқларда ўтказилиши билан боғлиқ жадваллари ишлаб чиқилган бўлиб, жойларда бўладиган комиссия аъзолари аниқланди.

Эшик қоқиб турган ушбу сиёсий тадбир ҳар бир инсондан, маҳалланинг ҳар бир аъзосидан фаолликни талаб этади. Чунки фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари барча масалалар билан қизиқадиган, давлат сиёсатини жуда яхши тушунадиган, аҳоли орасида обрўли ва уларни орқасидан эргаштира биладиган инсон бўлишидан барчамиз бирдек манфаатдормиз. Шу каби масалалар давра суҳбати иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди.

Мазкур тадбирлардан кўзланган мақсад битта — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини қонунчилик ва демократия тамойиллари асосида очиқ ва ошкора ўтказишга эришиб, муносиб инсонларни сайлашдан иборат.

**Эркин ХОЛМАТОВ,**
**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси.**

***Фарғона шаҳрида "Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва кутубхона — ахборот ресурсларидан фойдаланиш" мавзуида халқаро анжуман бошланди.***

# АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ — МАЪРИФАТ КЎЗГУСИ

**Анжуман**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда юртимиздаги ахборот-кутубхона марказлари раҳбарлари ҳамда Россия, АҚШ, Германия, Қозоғистон, Қирғизистондан келган соҳа вакиллари иштирок этмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида юртимизда ахборот технологияларини ривожлантириш, хусусан, кутубхоналар хизматини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда анъанавий кутубхона хизмати кўрсатиш сифати янги босқичга кўтарилган. Бунда маҳаллий ва дунё миқёсидаги илмий, таълим, ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини яратиш орқали ахборот-кутубхона кузатуви амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# Ёш ижодкорларнинг халқаро танлови

**Анъана**

Кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Подиум-2008" ёш дизайнер ва модельерлар халқаро танловининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси шафелигида Россия дизайнерлари уюшмаси ҳамда Россия Федерацияси Фан ва таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. Шу ўринда, айтиш жоизки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси ва кўмаги билан бу сингари тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хусусан, жамғарма Тошкент Модалар уйи ("Дом Стиля") билан ҳамкорликда Style.Uz Дизайн ва мода ҳафталиги, Миллий либослар фестивали, «Болажонлар-ширинтойлар» деб номланган болалар либослари фестивали, ўзбекистонлик

(Давоми 2-бетда).

# Саноат маҳсулотлари ҳажми кўпаймоқда

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**2008** йилнинг тўққиз ойи давомида республикамизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми **12,4** фоизга ўсди.



Ўтган даврда кўплаб янги завод, корхона ва фабрикалар ишга туширилгани, мавжудларида ишлаб чиқариш қувватлари оширилгани натижасида соҳада шундай юқори ўсиш даражаси таъминланди.



*Маҳалла — юксак маънавият бешиги. Чунки юксак маънавият оила ва маҳаллада шаклланади. Оила ва маҳалла муҳитида шаклланган миллий ва маънавий қадриятлар комил инсонни истиқлол ғояларига содиқ руҳда тарбиялаш ва миллат равнақининг энг асосий шартидир. Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалланинг роли ва ваколатлари янада ошади. Бу объектив ижтимоий жараёндир. Чунончи, фуқаролар йиғинининг жамоатчилик асосида фаолият юритадиган идора эканлигини назарда тутсак ҳам бу ноёб тузилманинг жамият ва давлат ҳаётида тутган ўрни жуда катта эканлигини англаш қийин эмас.*

# МАҲАЛЛА — ЮКСАК МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Фуқаролар йиғинини, хусусан, маҳаллани ижтимоий фуқаролик идораси сифатида таърифлайдиган бўлсак, бу унга хос бўлган ҳуқуқий мақомга эгалигида ҳам намоён бўлади. Маҳалланинг ижтимоий идора сифатида фаолияти нафақат улар иш фаолиятини ташкил этишда, балки фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлашда ҳам яққол кўринади. Маҳалланинг ижтимоий фуқаролик идораси эканлиги миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятида ҳам гавдаланади. Маҳалланинг ҳақиқий демократия дарсхонаси эканлигини инобатга олсак, унинг умуминсоний ва миллий қадриятларни фуқаролар онгига сингдиришда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради.

Жамиятнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларнинг маҳаллалар томонидан кенг кўламда амалга оширилиши миллий демократик тараққиётга эришиш борасидаги муҳим вазифадир. Бундай вазифани бажаришнинг ташкилий ҳуқуқий асослари қонун ҳужжатларида ифодасини топган.

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг аҳамияти, даставвал сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир муносабатларни ҳуқуқий нормалар билан тартибга солишнинг аниқ мустаҳкамлаб қўйилганлиги билан изоҳланади. Шуни таъкидлаш керакки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўзига хос жиҳатларга эга. Жумладан, сайловнинг вакиллик асосида ўтиши унинг энг муҳим хусусиятидир. Яъни қонуннинг 6-моддасига кўра, фуқаролик йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Қолаверса, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларининг тузилиши ва ўз ваколатларини демократик асосда амалга ошириши қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланиши ҳам ана шу ўзига хосликнинг бир кўринишидир.

Ва ниҳоят, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очиқ ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилиши, овоз бериш шакли тўғрисидаги қарор фуқаролик йиғини томонидан очиқ овоз бериш орқали қабул қилиниши ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Кези келганда шуни айтиш керакки, фуқароларнинг ижтимоий фаолликлари сайловлар жараёнида ўз сиёсий ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита амалга оширишда янада ёрқин намоён бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси моҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ўзини ўзи бошқариш йўли билан амалга оширилиши мустаҳкамланганлиги, бу демократик ва халқчил институтнинг кучли фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим пойдевори сифатида хизмат қилишидан далолат беради.

Сайловнинг эркин ва ихтиёрийликка асосланганлиги нафақат умуминсоний тамойилларга, балки миллий қадриятларга ҳам тўла мос келади. Яна бир хусусияти шундаки, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларига сайлов сайловчиларнинг доимий истиқомат қиладиган жойларида ўтказиладиган фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади. Бошқача айтганда, махсус сайлов округларини ташкил этиш талаб этилмайди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фақат бир муддатга эмас, балки бир неча муддатга ҳам сайланиши мумкин. Бу ҳол фуқароларнинг ўзларига кимни раис (оқсоқол) сифатида танлаб олишни ўзлари ҳал этишига боғлиқдир. Раис (оқсоқол) маҳалла руҳиятини ўзида мужассамлаштирувчи шахсдир. Фуқаролар йиғини раислигига (оқсоқоллигига) номзодни кўрсатиш асосан икки усулда, хусусан, ўз номзодини кўрсатиш ва сайловчилар гуруҳи томонидан номзод кўрсатиш орқали амалга оширилиши, бу ижтимоий фуқаролик идорасининг демократик талаб ва усулда ташкил этилишидан ҳам далолат беради.

Раис (оқсоқол) маҳалла ҳаётини яхши биладиган, обрў-эътиборга эга, жамоатчилик ҳурматига сазовор бўлган шахсдир. Раисни (оқсоқолни) маҳаллий аҳоли катта ишонч билдириб сайлайди. Бундай сайловнинг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчидан, раис (оқсоқол) сайланади, иккинчидан, фуқаролар йиғини раислиги лавозимига ўтказиладиган сайловда ғолиб чиққан номзод томонидан таклиф этиладиган маслаҳатчи сайлаб олинади. Шу сабабли нафақат раис (оқсоқол)нинг, балки унинг маслаҳатчисининг катта ҳаётий тажрибага эга бўлиши маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишнинг, қолаверса, аҳоли ишончини оқлашнинг энг муҳим гаровидир.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловининг умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлар ҳамда қонун ҳужжатлари талаблари асосида ташкил этилиши ва ўтказилиши унинг халқчилигини таъминлашда ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Ш. РЎЗИНАЗАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.**

# БАЛИҚЧИЛИК ИСТИҚБОЛИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ташаббуси билан Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот марказининг “Минтақавий балиқ питомниги” шўъба корхонаси ҳудудида мамлакатимиз балиқчилик соҳасини ривожлантириш масаласига бағишланган конференция ўтказилди.***

Тадбирда балиқчилик тармоғида хусусийлаштириш ва хусусий мулкни ривожлантириш, балиқ овлаш ва балиқчилик корхоналари фаолиятини ташкил этишда бозор тамойилларини жорий этиш, тармоқни монополиядан чиқариш ва рақобат муҳитини шакллантириш, балиқ овлаш, балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишни тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги қарори қўл келаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, балиқчилик тармоғидаги корхоналар тўлиқ хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, кичик ва хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари шаклида фаолият кўрсатаётгани ҳамда Ўзбекистон Миллий университетида шу соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида ихтиология йўналиши бўйича бакалавриат очилганига ҳам эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, балиқчилик соҳаси учун сармоя жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунга қарамасдан мавжуд ишлаб чиқариш қувватидан ва шу соҳада тўпланган илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилмаяпти, уларга замонавий технологияларни етказиб бериш ва соҳага қизиқиш уйғотишда жонбозлик етишмаяпти.

Тадбир иштирокчилари мамлакат балиқчилигидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб, уларнинг ечимига оид истиқболли лойиҳаларни таклиф этишди. Билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида тармоқни ривожлантиришга қаратилган стратегия ишлаб чиқиш ва бу соҳанинг ҳуқуқий масалаларини белгилаб берадиган қонун лойиҳаси тайёрлаш ҳақида келишиб олинди.

**Ориф ШАРИПОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

***Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини ўқиб чиққач, кўпдан буён кўзлаб юрган режаларим ижобат топишини ўйлаб, қувониб кетдим.***

# ДЕҲҚОНГА ИМКОНИЯТ, ДАСТУРХОНГА БАРАКА

## Муносабат

Гап шундаки, биз деҳқончилик қилаётган Марказий Фарғона ерларининг аксарият қисми шўрхок майдонлардан бўлиб, вазият улар самарадорлигини ошириш учун алмашлаб экишни қатъий йўлга қўйишни тақозо этади. Ҳақиқий деҳқон борки, зироатнинг қайси турини экмасин, парваришида муаммо бўлмайди. Масалан, хўжалигимиз тасарруфидаги экинларнинг маълум қисмига кўп сув талаб қилмайдиган полиз ва сабзавот экинлари экиб, дурустгина ҳосил олганмиз. 49 гектар ерда парваришлаган ғалламизнинг ҳосилдорлиги эса 50 центнердан ошди. Айтмоқчиманки, бизда пахтадан бошқа экинлар парвариши борасида ҳам тажрибамиз етарли.

Фармонда пахта экиладиган далаларни камайтириш ҳисобига бошоқли дон экинлари, сабзавот, мойли ўсимликлар экиладиган ерларни янада кенгайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилгани айни муддао бўлди. Бу, ўз навбатида, фермер хўжаликларининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришдаги фаол иштирокини таъминлаши билан ҳам қимматлидир. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ушбу ҳужжат кучга кириши баробарида жойларда пахта, ғалла, сабзавот ва полиз экинларини алмашлаб экишнинг узоқ муддатга мўлжалланган пухта режаси ишлаб чиқилиб, амалда жорий этишга киришилади. Жумладан, биз еримизнинг маълум қисмида тилими тилни ёрадиган қовун ва тарвуз етиштиришни мўлжаллаб турибмиз. 50 гектар ерга сепган ғалла уруғи эса ниш уриб қолди.

**Ҳакимжон ЮСУПОВ,**
**Мингбулоқ туманидаги «Юсуф ота» фермер хўжалиги раҳбари.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларида ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари 15 мингдан зиёд кутубхонани бирлаштирган. Улар 15 миллион

# АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ — МАЪРИФАТ КЎЗГУСИ

нусхадан ортиқ дарслик, ўқув-услубий, бадиий, илмий-техник адабиётлар ва маълумотномаларга эга. Айни пайтда электрон кутубхоналар тизимини барпо этиш ва ривожлантириш, ахборот ресурсларини тизимлаштириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Конференциядан кўзланган асосий мақсад фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида Интернет ва электрон ахборот ресурсларини қўллашни ривожлантиришда ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, ўқув юртлари, архивлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни фаоллаштиришдан иборатдир.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Умаров, Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Эшматов ва бошқалар мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари борасида салмоқли ишлар қилинаётгани, бунда ахборот-ресурс марказлари фаолияти муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Анжуман шўъбаларида ахборот-кутубхона марказларини ривожлантириш йўллари, компьютер технологиялари асосида янги хизматлар кўрсатиш, тезкор ахборот алмашишда корпоратив тизимлар каби мавзуларда маърузалар тингланади.

Шунингдек, конференция давомида ахборот-кутубхона марказлари тармоғининг ягона электрон каталогини яратиш, вилоятлардаги ахборот-ресурс марказлари билан ўзаро ҳамкорлик, архивлар билан ишлаш каби мавзулар муҳокама этилиб, тажриба алмашиш режалаштирилган.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ёш ижодкорларнинг халқаро танлови

(Давоми. Боши 1-бетда).

модельер ва дизайнерларнинг хориждаги дефиле ва тақдимотларига бош-қош бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Бу галги лойиҳа юртимиз ёшларининг ноёб қобилият ва истеъдодларини юзага чиқариш, миллий анъаналаримиз, ўзбекона урф-одатларимиз ҳамоҳанглигида яратилган бетакрор санъат асарларининг жаҳон узра кенг танилишига хизмат қилади. Қолаверса, “Подиум – 2008” танловини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад жаҳонда таниқли мода саноати вакиллари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш, ижодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳамдир.

— Танловда истеъдодли ёш дизайнерларнинг ижодий изланишлари маҳсулларидан катта таассурот олаяпман, — дейди Жанубий Россия иқтисодиёт ва сервис давлат университети президенти, техника фанлари доктори, профессор Анатолий Сапронов. — Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон дунёдаги мода марказларидан бирига айланмоқда. Буни яқинда ўтказилган Style.Uz Дизайн ва мода ҳафталиги доирасидаги тадбирларда ҳам кузатдик. Юртингизда мода соҳасига қаратилаётган эътибор мени жуда қувонтирди.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

Ўнинчи бор ўтказилаётган “Подиум” танловида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Миср каби ўн бешга яқин мамлакатдан олий таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ёш истеъдод эгалари қатнашмоқдалар. Ижодий ишлар прет-а-порте, авангард, пойабзал ва аксессуарлар, фольк, дебют каби йўналишларда намойиш этилаётир.

“Подиум-2008” лауреатлари 26 октябрь куни Миллий санъат марказида тантанали равишда тақдирланади.

Танловнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова иштирок этди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент Фотосуратлар уйи ҳамкорлигида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган “TashkentALE–2008” халқаро фотобиеналлеси ранг-баранг кўргазмалар, ижодий мулоқотлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, учрашувларга бой бўлмоқда.***

# СУРАТЛАРДА АКС ЭТГАН ҲАЙРАТ

Ўзбекистон Давлат санъат музейида ташкил этилган фотокўргазманинг очилишида санъат ихлосмандлари, фотоижодкорлар, талаба-ёшлар, турли жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимиздаги элчихоналар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари Равшан Миртожиев, Миср Араб Республикасининг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий, Исроил давлатининг юртимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Хилель Ньюман жаҳоннинг турли давлатларидан ижодкорлар иштирок этаётган “TashkentALE–2008” фотобиеналлеси йирик халқаро кўргазма эканини таъкидладилар.

«Шарқ санъати, анъаналари, фалсафаси» мавзуига бағишланган фотокўргазмада Хитой, Вьетнам, Япония, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг Мандили Султон Аднан, Жианг Хуа Синг, Ким Манх каби моҳир фотоижодкорлари тасвирга олган саксондан зиёд ранг-баранг фотосурат билан танишиш мумкин. Мазкур кўргазмада Рустам Шарипов, Виталий Мясников, Раҳмонбек Исломов каби ўзбекистонлик фотоусталарнинг ижодий ишлари ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Шу куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Навқирон авлод камолоти» мавзуида фотокўргазма очилди. Бу ерда турли давлатлар фото ижодкорларининг ёшлар тафаккури, дунёқараши, орзу-интилишлари, ўй-хаёлларига оид ижодий ишлари билан танишиш мумкин. Кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратлар қамровининг кенглиги ва турли-туманлиги томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбекистонлик Камолжон Бобоевнинг «Устозлар», «Ойижон», канадалик Лиса Ховарднинг «Авлодлар», покистонлик Суҳайл Шаҳзоднинг «Она ва бола» фотоасарлари шулар жумласидандир.

Озарбойжонлик Агдес Багирзоданинг ишлари салкам етти йилдан буён нафақат ўз юртидаги, балки хорижий журналларда ҳам мунтазам эълон қилинмоқда. Унинг туркум ишлари 2005 йили пойтахтимизда ўтган халқаро фотокўргазмада ҳам намойиш этилган эди. Бу йилги Тошкент халқаро кўргазмасида Агдес «Болалик» ҳамда «Ҳиссиёт ва тафаккур» мавзуидаги ижодий ишлари билан қатнашмоқда.

— «TashkentALE–2008» юксак савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилган, — дейди А.Багирзода. — Кўргазма учун жуда юқори профессионал даражадаги, бадиий мукаммал ишлар танлаб олингани киши эътиборини тортади. Тошкент нафақат янги ва замонавий бинолар, балки қадимий меъморий обидалари билан ҳам машҳур. Уларни фотокамерага тушириш, шу асосида туркум ишлар яратиш ниятидаман.



Шундай фотокўргазма Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида ҳам ташкил этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

# ЎЗБЕКИСТОНГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

***Пойтахтимизда давом этаётган IV Халқаро “TashkentALE–2008” халқаро фотобиеналлесида Россия, Хитой, Япония, Германия, Италия, Буюк Британия, Канада, Венгрия, Исроил, Вьетнам ва Покистон каби йигирмадан зиёд мамлакатдан юзга яқин ижодкор, санъатшунос олим ва мутахассис иштирок этмоқда. ЎзА мухбири уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.***

**Лиза ХОРВАТ (Канада):**

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу халқаро фотобиеналледа нафақат ўз асарларим билан иштирок этиш, балки турли мамлакатлардан келган ҳамкасбларимнинг ижод намуналари билан танишиш имконига эга бўлаётганимдан ғоят мамнунман. Юртингизда ижодкорлар учун яратилган кенг ва қулай шарт-шароит, ажойиб муҳитга ҳавасим келди. Ўзбекистонлик ёшлар яратган кўзни қамаштирувчи фотоасарларни кўриб, уларнинг улкан қобилият соҳиби эканига амин бўлдим. Зеро, Ўзбекистонда бундай истеъдодли ёшлар етишиб чиқаётгани мамлакатингизнинг келажаги нақадар порлоқ эканидан далолатдир.

**Янош ЭЙФЕРТ (Венгрия):**

— Мазкур халқаро фотобиеналле катта маданий воқеа бўлиб, дунёнинг турли мамлакатларидан келган фотоижодкорларга бир-бирининг ижоди билан танишиш, ўзаро фикр алмашиш учун кенг имконият яратди. Кўргазмада ўзбекистонлик ҳамкасбларимнинг ижоди билан танишишга муяссар бўлдим. Уларнинг асарлари чуқур мазмун ва моҳияти билан киши диққатини ўзига жалб этади.

Юртингизда ижодкорларга ғамхўрлик кўрсатилаётгани, эркин ижод учун кенг имкониятлар очиб берилгани уларни ўз маҳоратини янада оширишга ундайди, илҳомлантиради. Ўзбекистонда бундай йирик халқаро тадбирларнинг ўтказилиши фото санъати усталарининг истеъдод ва изланишларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

**Наоюки ОГИНО (Япония):**

— Янги ғоялар уйғониши учун сабаб бўлгувчи мазкур халқаро фотобиеналле юқори савияда ташкил этилгани билан ҳам диққатга сазовордир. Кўргазмада ўттизга яқин ижодий ишим билан қатнашяпман. Асарларимда япон халқи урф-одатлари ва миллий қадриятларини акс эттиришга ҳаракат қилдим.

Мен кўплаб мамлакатларда ўтказилган фотокўргазмаларда иштирок этганман. Бироқ бундай гўзал ва бетакрор кўргазма залларини, маданият уйларини кам учратганман. Ўзбекистон ижод аҳли ижод қилиш учун яратилган шарт-шароит ва қулайликлар билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

**ЎзА мухбири**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Нефть нархи пасаймоқда

***Жаҳон бозорида нефть нархи яна арзонлашди.***

Лондоннинг «ICE» биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида «Brent Crude Oil» типидаги бир баррель "қора олтин" 69,72 АҚШ долларига баҳоланди. Нью-Йоркдаги «NYMEX» биржасида эса «Light Sweet Crude Oil» русумли нефть 70,89 АҚШ долларига тенг бўлди.

## Манзили номаълум хатлар




***АҚШнинг «JP Morgan Chase» банки филиалларига охирги бир неча кун давомида манзили номаълум 30 та хат келиб тушди, дейилади «AP» хабарида.***

Федерал қидирув бюроси (ФҚБ) хизматчисининг сўзларига қараганда, конвертларнинг аксариятига оқ кукун жойлаштирилган бўлиб, улар банкнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Иллинойс, Огайо, Оклахома, Колорадо, Жоржия, Техас, Вашингтон штатлари ва Колумбия округидаги бўлимларига қолдириб кетилган.

«ABC News» телеканали маълумотларига қараганда, барча хатлар 18 октябрь куни Техас штатидаги Амарилло почта бўлимидан жўнатилган экан.

## Нафақа тизими давлат ихтиёрида

***«BBC» хабарига қараганда, Аргентина президенти Кристина Фернандес мамлакатдаги ўнта хусусий нафақа ташкилотини давлат ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасига имзо чекди.***

Ушбу қонун кучга киргач, ҳукумат 30 миллиард АҚШ долларидан иборат инвестиция устидан назоратни қўлга олади. Фернандеснинг сўзларига кўра, шу йўл орқали ана шу муассасаларни жаҳон молия бозоридаги танг вазиятдан асраб қолиш мумкин.

Қонун лойиҳаси яқин кунларда конгрессга муҳокама учун жўнатилади.

## Тунги портлаш

***Махачқалъа шаҳрининг марказий кўчаларидан бирида портлаш содир этилди.***



Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги Доғистон ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотларига таяниб хабар тарқатди.

Портловчи модда Акушинский ва Айвазовский кўчалари кесишган жойдаги «Тойота центр» биноси олдида ҳаракатга келтирилган. Натижада бино жиддий талафот кўрган. Хунрезлик тунда амалга оширилганлиги боис ҳеч ким жабрланмаган.

## Жангарилар ҳужуми

***Покистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Свэт водийсида мамлакат ҳарбийлари ва жангарилар ўртасида қуролли тўқнашув юз берди.***

«Reuters» ахборотида келтирилишича, отишмалар чоғида ўн беш нафар ҳукумат аскари ҳалок бўлган. Жангарилардан эса беш нафари йўқ қилинган.

Босқинчиликни «Толибон» ҳаракатининг Покистонда фаолият олиб бораётган бўлими амалга оширгани айтиб ўтилган.

## Ойда тадқиқот олиб боради



***Ҳиндистоннинг «PSLV-C11» фазо кемаси Сатиш Дхаван космодромидан самога кўтарилди.***

«AFP» маълумотларига кўра, унинг бортида фазода тадқиқот олиб борувчи «Чандраян-1» қурилмаси бор. Режага кўра, ана шу қурилма икки йил мобайнида ойда тадқиқот ишларини олиб боради. Мазкур лойиҳага 80 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Айтиш жоизки, «Чандраян-1» Ҳиндистоннинг фазога учирган илк космик аппарати ҳисобланади.

Ҳозиргача Осиё қитъасидан Япония ва Хитой мамлакатлари фазода тадқиқот олиб боришга муваффақ бўлган. Энди улар сафига Ҳиндистон ҳам қўшилади.

## Иш ўринлари қисқартирилади

«Yahoo!» интернет портали 1500 нафар ходими билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилмоқчи, дея хабар беради «Associated Press».

Компания, шунингдек, ўзининг АҚШдаги бир қатор биноларини чет эл корхоналарига офис сифатида фойдаланиш учун беришга ҳам қарор қилган. «Yahoo!» вакилларидан бирининг айтишича, компания шу йўл билан дунёда юз бераётган иқтисодий инқироздан сақланиб қолмоқчи.

## Скрипка яна ўғирланди

*Германиялик созанда ва дирижёр Родерик фон Беннигсеннинг Ганновердаги уйидан машҳур скрипкачи Антонио Страдиварига тегишли бўлган қимматбаҳо скрипка ўғирлаб кетилди.*



Жиноят ўтган ҳафта жума куни содир этилган бўлса-да, полиция бундан 21 октябрь куни хабар топган. Мазкур иш билан шуғулланаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан бирининг айтишича, жиноятчилар скрипкадан ташқари яна бир неча қимматбаҳо буюмларни ҳам олиб кетишган.

Қиймати қарийб уч миллион еврога тенг бўлган мазкур мусиқа асбоби бир йил муқаддам ҳам ўғирлаб кетилганди. Ўшанда полиция орадан икки ой ўтгач уни топиб, эгасига қайтаришга муваффақ бўлган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

***Бир қатор хорижий давлатларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тақдимот маросимлари бўлиб ўтмоқда.***

***Ана шундай тадбирлардан бири Покистон пойтахтидаги «Исломобод» халқаро клубида ўтказилди. Тадбир «Travel Planners» саёҳат агентлиги, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг расмий ваколатхонаси, «Осиё тамаддуни жамияти» ва мамлакатимизнинг Покистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Покистон ҳукумати, сиёсат ва жамоатчилик доиралари вакиллари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, шунингдек, мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналарнинг вакиллари иштирок этди.***



Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон нафақат фан ва маданиятнинг тарихий маркази, балки халқаро майдонда саноати жадал ривожланиб бораётган мамлакат, минтақадаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг гарови бўлган давлат сифатида ҳам муҳим ўрин тутиши юзасидан ҳамфикр эканликларини қайд этишди.

«Покистон — Ўзбекистон» дўстлик жамияти президенти, сенатор Маҳмуд Талха 2007-2008 йилларда Тошкентга қилган сафарлари чоғида мамлакатимиз пойтахтидаги шаҳарсозлик, замонавий шаҳар инфратузилмасидаги ўзгаришларни кузатиш имкониятига эга бўлганлигини айтди. Унинг фикрича, Тошкент Марказий Осиёнинг бош дарвозаси ва Ислом тамаддунининг пойтахти дея таърифланиши айни ҳақиқатдир.

Халқаро Ислом университетининг Президенти, доктор Анвар Ҳусайн Сиддиқий «Тошкент, Ўзбекистоннинг бир воҳаси ўлароқ, мусулмон дунёсида илм-фан маркази ва маданият бешикларидан биридир. Кўплаб атоқли олимлар, устозлар, муҳаддислар, Қуръони Карим билимдонлари, меъморлар, санъат арбоблари Тошкент, Самарқанд ва Бухорода яшаб, фаолият юритишган. Бой маънавий ва маданий мерос гуллаб яшнаган ушбу шаҳарлардан бутун дунёга, шу жумладан, жанубий субминтақага — Ҳиндистон ва Покистонга тарқалган. Ҳиндистондаги «Тожмаҳал», Лаҳордаги «Бадшоҳи» масжиди ва Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги салобатли ёдгорликлар шарқ меъморчилиги ва аждодларимиз иқтидорининг нақадар юксак даражада эканлиги билан кишини ҳайратга солади», дея таъкидлади.

Тақдимот иштирокчилари Тошкентнинг бой тарихий, маданий, маънавий мероси ва Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг бугунги кўриниши ҳақида ҳикоя қилувчи «Тошкент — Ислом тамаддунининг дурдонаси» ҳамда Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасида сақланаётган ислом маданиятининг гавҳари — Усмон Қуръони ҳақидаги «Мусҳафи Усмон» видеофильмларини катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган яна бир тақдимот маросими мамлакатимизнинг Қозоғистондаги элчихонасида бўлиб ўтди. Унда политология ва эксперт гуруҳлари, Қозоғистон оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдимот давомида Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг миллий қадриятлар, меъморий обидаларни асраб-авайлашга, шунингдек, кўплаб алломалар, фан ва маданият, давлат арбоблари, тарихий шаҳарлар юбилейларини ўтказишга катта эътибор берилганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, тақдимот иштирокчиларига мамлакатимизда Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва Марғилон каби шаҳарларнинг юбилейлари нишонлангани ҳақида маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг эълон қилиниши мамлакатда бу борадаги сиёсатнинг давом этаётганидан далолат бериши қайд этилди.

Мазкур қарор доирасида амалга оширилаётган тадбирлар тақдимот иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Қозоғистонлик таниқли политолог ва жамоат арбоби, «Мысль» журналининг бош муҳаррири Сейдахмет Куттиқадам ўз чиқишида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун муҳим воқеа эканлигини, ўз навбатида, мазкур шаҳар дунё тамаддунига Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон ва Юнонистон каби ҳисса қўшган мамлакатнинг пойтахти эканлиги билан бутун дунё жамоатчилиги эътиборида эканлигини таъкидлади.

Яна бир қозоғистонлик таниқли политолог, «Континент» журналининг бош муҳаррири Султон Акимбеков Тошкент шаҳрининг савдо йўллари туташган ва маданиятлар тўқнашган ноёб ерда жойлашганлиги унинг ривожланиш омилларидан бири бўлганлигини қайд этди. Унинг фикрига кўра, «Бугунги Қозоғистон учун Тошкент нафақат географик жиҳатдан яқин, балки XX аср бошида Марказий Осиё минтақасининг барча, жумладан, қозоқ зиёлилари ҳам йиғиладиган макон бўлган. Шу боис, ЮНЕСКОнинг 2009 йилда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорини, юбилейнинг мазкур нуфузли ташкилот шафеълигида ўтказилишини фақат қўллаб-қувватлаш мумкин».

**«Жаҳон» АА.**

### Изланиш

## Эътиборга тушган истеъдод

**Бухоро давлат университетининг "Педагогика" кафедраси ёш ўқитувчиси Зарафшон Жалилов илмий изланишларини Франциянинг нуфузли олий ўқув юртларидан бири — Сарбонна-Париж университетида давом эттириш учун таклифнома олди.**

— Европа Комиссиясининг "Эрасмус Мундус" лойиҳаси доирасида эълон қилинган танловда муваффақиятли қатнашиб, грант соҳиби бўлдим, — дейди ёш тадқиқотчи. — "Бальзак асарларида ёшлар тарбиясининг педагогик аҳамияти" мавзусида изланишлар олиб боряпман. Энди уч йил давомида Сарбонна-Париж университети профессори Филипп Дюба илмий раҳбарлигида тадқиқотлар ўтказаман.

БухДУнинг яна бир ёш иқтидорли вакили, иқтисодиёт кафедраси аспиранти Сухроб Давлатов ҳам илмий изланишларини хорижда давом эттиради. "Олий таълим сифатини юксалтиришда маркетинг воситаларидан фойдаланиш" мавзусида тадқиқотлар олиб бораётган бу ҳамюртимиз Польшанинг Адам Мицкевич университетида тажриба тўплаш имкониятига эга бўлди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# БОЛАНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

***Халқимиз — болажон халқ. Унинг яхши бир фазилати бор: қўшнисининг боласини ҳам болам, дейди, тарбиясига, эришган ютуқларига ўзини маъсул санайди. Айтишларича, етим-есир, қаровсиз қолган боланинг ҳақи қўшнисида, маҳаллада, бой-бадавлат одамларда бўлар экан. Шу боис ночор, вояга етмай жиноят содир этиб, йўлдан адашган, қаровсиз қолган болага ёрдам қўлини чўзиш хайрли юмушдир.***

Бир муҳтожнинг кўнглини олиш, унинг молини, жонини, шаънини, ор-номусини ўзиникидан зиёдроқ кўриш катта савоб экан. Қолаверса, бу ишлар бизнинг ватандошлик ва инсонпарварлик бурчимиз ҳамдир.

Вилоятимизда ҳам мустақиллик йилларида вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчилигининг олдини олиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш, айниқса, бундай ёшларни ўқишга ва ишга жойлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларнинг 272 нафари чора кўриш учун маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга юборилди. Ҳозиргача уларнинг 204 нафари комиссиялар қарорлари асосида ички ишлар идоралари профилактик ҳисобига олинди.

### Эътибор

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом талаблари асосида бир мунча ибратли ишлар қилинди. Чунончи, вояга етмаганлардан давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож, қаровсиз қолган 5 нафар ёш бола Қашқадарё вилоятидаги Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига, 4 нафар жиноятга мойил ўғил бола Самарқанддаги махсус мактаб-интернатга, шунингдек, 7 нафар тарбияси оғир ўспирин касб-ҳунар коллежларига жойлаштирилди.

Ота-она қаровисиз қолган 6 нафар вояга етмаганлар Бойсун туманидаги Меҳрибонлик уйида меҳр кўришмоқда. Бола, хоҳ ўзимизда бўлсин, хоҳ хорижда бўлсин, бизнинг фарзандимиз. Яқинда Россиянинг Новосибирск шаҳридаги "Радуга" номли Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказидан хат олдик. Унда Термиз шаҳрида яшовчи норасида Дурдона ва Жаҳонгир исмли болажонларнинг ота-она қаровисиз қолганлиги ёзилибди. Биз вояга етмаганларнинг онаси Дилфуза Алимованинг шахсини аниқладик. У Россияга ишлаш учун фарзандларини ўзи билан бирга олиб кетган. Соғлиғи яхши бўлмаган, жумладан, Дилфуза вилоят руҳий ва асаб касалликлари диспансерида 2-гуруҳ ногирони сифатида рўйхатда бўлган Дурдона ва Жаҳонгирлар Термиз шаҳрига олиб келинди. Ҳозир улар Меҳрибонлик уйида ўз тенгқурлари қатори ижтимоий ҳимояга олинди.

Айни кунларда жойларда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ўқимасдан, ишламасдан юрган вояга етмаганларни аниқлаб, уларнинг рўйхатини олиш ишлари олиб борилмоқда. Энг муҳими, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимларига тақдимномалар киритилиб, ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Яқинда Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи биносида бўш иш ўринлар ярмаркаси ташкил этилди. Унда 32 нафар вояга етмаганлар иштироки таъминланди.

Қувончлиси шундаки, Термиз шаҳрида вилоят ҳудудида адашган, қаровсиз қолдирилган, давлат ва жамоат ёрдамига муҳтож вояга етмаганларни вақтинча сақлаш мақсадида янги марказ ташкил этилди. Ҳозир марказ биносини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилаяпти. Мустақиллик байрами арафасида ушбу маскан ўз фаолиятини бошлайди.

Боланинг бегонаси бўлмайди. Бир кемтик кўнгилли, билиб-билмай жиноят содир этган, хато йўлга кирган норасидани тарбиялаш, уни ижтимоий ҳимоя қилишдан зиёда савоб юмуш бўлмаса керак. Бунда нафақат давлат идоралари, балки кенг жамоатчиликнинг эътибори, сергаклиги ҳам даркор. Зеро, бола тарбияси масъулияти барчамизнинг елкамиздадир.

**Мажид ҲАСАНОВ, Сурхондарё вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ходими, майор.**

***Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг бир гуруҳ олимлари электр токини ўтказувчи пойабзал лойиҳасини яратишди. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан ижобий баҳоланган ушбу оёқ кийимидан "Восток" илмий-ишлаб чиқариш уюшмасида якка ҳимоя воситаси сифатида фойдаланилмоқда.***

# ТОК ЎТКАЗУВЧИ ПОЙАБЗАЛ

### Янгилик

Илгари мамлакатимизда электр токини ўтказадиган пойабзал ишлаб чиқарилмас, у хориждан сотиб олинарди. Бу эса, ўз навбатида, тез алангаланувчи моддаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг иш унумига салбий таъсир кўрсатарди. Олимларимизнинг бир неча йиллик саъй-ҳаракатлари натижасида яратилган ушбу лойиҳа иқтисодиётнинг юқоридаги тармоқларини ривожлантиришга хизмат қилади.

— Янги пойабзал корхона ишчиларини баданларида статик электр зарядлари йиғилиб қолишидан ҳимоя қилади, — дейди лойиҳа муаллифларидан бири Қурбонбой Абулниёзов. — Яъни, ишчи баданида тўпланган статик зарядлар ток ўтказувчи пойабзал орқали ташқарига чиқариб юборилади. Сабаби, унинг асосий патаги ток ўтказиш хусусиятига эга тўқима материал билан қопланган. Бу материал эса металга ўхшаб ток ва ҳавони яхши ўтказади, енгил, мустаҳкам, иссиққа, ишқаланиш ва ейилишга чидамли. Сифати ҳам талаб даражасида. Шу боис унга, буюртма бераётган юридик ва жисмоний шахслар сони кун сайин ортиб бормоқда.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**


ООО "Росагропромснаб" предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 300 000 сум.




| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, $м^3$/час | Максим. расход, Qмин, $м^3$/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию – 12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

Т./ф.: 273-16-40, 276-91-87

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

"INTEGRAL ASIA"

Новое поступление ноутбуков!!!

DELL™




Только у авторизованного дистрибьютора Dell Inc. ООО INTEGRAL ASIA

Тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28, Факс 120-30-26.

«ЕВРОМЕТАЛЛ-ОСИЁ» ҚК

ҲАЛҚА, ОЛТИ ҚИРРАЛИ

Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар

Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА

ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм

ЗАНГЛАМАЙДИГАН

Қувурлар: 25х2,0, 57х3,0 ст. 12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т

РУЛОНЛИ ТАСМА

ст. У8Г 0,9х0,326-Р

ЦЕМЕНТ – М400 ҚОПЛАРДА

(«ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» маҳсулоти)

МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Маҳсулот сертификатланган.

Тошкент шаҳридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд

Тошкент ш., Бобур к., 87/1-«Б» уй. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.). E-mail: vklim 70@mail.ru

DRIVE YOUR DREAM

РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР — «GRAND MOTORS» МЧЖ

TOYOTA ва LEXUS

русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.



Кафолат:

TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.;

LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км.

Тўлов шакли — турлича. Лизинг.

Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй. Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33. E-mail: grandmotorsuz@gmail.com

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

236-09-25

232-10-63

242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқачи, меҳнат фахрийси **Фотих Боқиевич САФАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

**Абу Райҳон ибн Аҳмад Берунийнинг атоқли ўзбек мутафаккири ҳамда башарият тамаддуни ривожига мислсиз ҳисса қўшган алломаи жаҳонлигини кўпчилик яхши билади. Аммо унинг таржимаи ҳолида шундай нуқталар борки, чуқур мушоҳада этиб кўрилса, Берунийнинг даҳо шахслиги, ҳар минг йилда миллиардлардан бир кишига насиб этадиган ноёб, мўъжизакор истеъдод соҳиби эканлигига амин бўламиз.**

# АЛЛОМАИ ЖАҲОН



*Аллома 973 йили 4 сентябрь куни Қиёт (Ҳозирги Беруний) шаҳрида таваллуд топади. Болалик чоғларидан юксак иқтидори билан эл назарига тушади. Замонасининг машҳур олими Абу Наср ибн Ироқ қўлида таълим олади. Унинг ўткир зеҳни, кенг дунёқараши, олмос тафаккури замоннинг пешқадам устозларини ҳайратга солади. Йиллар ўтиб Абу Наср астрономия ва математикага оид бир қатор асарлар ёзади ва уларнинг 12 тасини буюк шогирдига эҳтиром тариқасида бағишлайди. Айтиш жоизки, Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари билан фаол шуғулланган. Араб, суғдий, форс, сурёний, юнон ва қадимги яҳудий тилини, аввал ҳам, ҳозир ҳам "Ўлик тил" ҳисобланадиган санскрит тилини ўзлаштирган.*

## Тақдир чорраҳалари

Бобомиз ўта мураккаб, бебошдоқ, таҳликали беқарорлик ҳукм сурган замонда яшаган. У йигирма икки ёшида, мелодий 990 йилда Қиётда астраномик кузатишлар олиб бораётган маҳали мамлакатда бошланган тартибсизликлар ва хунрезликлар оқибатида ўзга юртларга бош олиб кетишга мажбур бўлади. Сарсону саргардонликда неча ойлар шаҳардан шаҳарга ўтади. Охири Эрондаги қадимги Рай шаҳрида қўним топади. Тарихий манбаларда қайд этилишича, аллома Райда қашшоқликда кун кечирган. Ниҳоят саккиз йиллик азобу уқубатлардан сўнг у 999 йил Журжонга келади ва бу ерда иккинчи устози табиб, фалакиётшунос, файласуф ал-Масиҳий билан танишиб, сабоқ ола бошлайди. Айни ўша пайтлар Берунийни Каспий денгизи соҳилларидаги вилоятларда ҳукмронлик қилган зиёрийлар сулоласи вакили Қобус ибн Вашмгир саройга вазирлик лавозимига таклиф этади. Бироқ дағал феъл-атворли султоннинг таклифини олим рад этади. Беруний 1005 йили она Ватани — Хоразмга қайтади. Кўп ўтмай янги ҳукмдор Али Аббос Маъмун II уни ўз саройига даврнинг таниқли олимлари фаолият юритаётган "Маъмун академияси"га чорлайди. Таъкидлаш лозимки, айнан ушбу байтул-ҳикма Берунийнинг ҳаёти ва ижодида ўчмас из қолдиради. 1017 йил Хоразм Маҳмуд Ғазнавий томонидан босиб олингач, Беруний ва бошқа олимлар мажбурий равишда Ғазнага олиб кетилади.

Йигирма икки йилга яқин юрт соғинчи ва армонида яшаган аллома 1048 йил 11 декабрь куни Ғазнада оламдан ўтади.

## ▼ Тарихингдир минг асрлар...

## «Колумбда бор аламим маним...»

Берунийнинг 1035-36 йиллар ўзи тузган рўйхатга кўра китоб ва рисолалари сони 113 та бўлган. Бу рўйхатга ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган асарларини қўшсак, олимнинг мероси 152 та китоб ва рисолани ташкил этади.

Бинобарин, ушбу асарларнинг ҳар бири ўз даври ва ундан кейинги замонлар илмфанида кашфиёт десак асло муболаға бўлмайди. Хусусан, "Ҳиндистон" асарида Беруний фалакиёт илмидаги оламшумул фикрини: "Ернинг айланиш ҳаракати фалакиёт фани ҳисобларига ҳеч қандай зид келмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар унинг ҳаракати билан бирга бир текис давом этаверади" деб баён этади. Эътибор берган бўлсангиз, ернинг айланма ҳаракати шу ўринда Галилейдан олдин ким айтганлиги аёнлашади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Буюк бобомиз ўзининг "Геодезия" номли асарида осмон ёритқичларининг ҳаракат траекторияси ва шакли эллипсоид эканлигини биринчи бўлиб башорат қилади. Орадан бир неча асрлар ўтгачгина европалик машҳур олим Кеплер ушбу башоратни ўзининг кашфиёти сифатида илмий асослаб беради. Устозлар устоди, шунингдек, математика фанига ҳам баракали ҳисса қўшган. Айниқса, тригонометрия соҳасидаги ютуқлари алоҳида эътиборга сазовор. Аллома математик география тарихида ҳам ўз номини олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирди. У ўз даврида Атлантика ва Ҳинд океанларининг жанубий томони туташганлигини исботлаб берди. Осиё ва Африка қитъалари орасида бир вақтлар бўғоз бўлганлигини ва Ер шарининг жанубий томони қуруқликдан иборат эканини тахмин қилди. Энг аҳамиятлиси, Беруний биз юқорида зикр этган "Ҳиндистон" асарида 1492 йили Америка қирғоқларига кемада сузиб бориб уни кашф этган Христофор Колумбдан 430 йилча олдин шундай деб ёзади: "... Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томондан Муҳит океани (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турибди. Бу муҳит океани, ернинг обод қисмини денгизларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган оролларни иккала ёқдан (Ғарбдан ва Шарқдан) ажратиб туради..." Беруний таърифлаган бу қуруқлик — тўрт асрдан сўнг европаликларни ҳайратга солган Америка қитъаси эди. Умуман, даҳо олимнинг X асрдаёқ жуғрофий узоқликларни ва кенгликларни аниқлашда мутлақо илғор усул ишлаб чиқа олгани ақлга сиғмайди. Чунки XVI асрдагина жаҳонга Тихо де Браге номи билан танилган усул Беруний қўллаган усулнинг такрори эди, холос. Бунга нима дейсиз. Аммо бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Устозлар устодининг минералогия, физика, доришунослик, геология, геодезия фанларига қўшган улуши ҳаддан ташқари кўплигидан, унинг миқёсини белгилаш мушкул. Ҳозирда, юксак технологиялар даврида: — Коинотда биз ёлғизми? — деган савол барчамизни ҳам ўйлантириб, ҳам қизиқтириб турибди. Гоҳ ишониб, гоҳ инонмай ўзга оламларни излаётганларга, балки бобомизнинг бир минг юз йил муқаддам лўнда қилиб "Дунёлар кўп" дегани далда бераётгандир.



## Дунё ўзгарди

"Дунёдаги ҳамма нарса маълум вақтдан кейин бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради" — бу Беруний бобомизнинг қарашлари. Алҳол, биз айни пайтда ўзгарган дунёда яшаяпмиз. Чунончи, аждодларимиз орзулаган "Эзгу ва хайрли замон" — Истиқлол замони келди. Буюк боболаримиз шону шуҳрати тағин қалбларимиз тўридан жой олди. Бугун юртимизда Беруний шарафига Тошкентда, Хивада ва Беруний шаҳрида ҳайкал ўрнатилган. 1997 йили Хоразм Маъмун академиясининг таъсис этилиши ва 2005 йил ушбу академиянинг 1000 йиллиги юртимизда тантанали нишонланиши илм султонининг ҳам ўзига хос эҳтироми ва ҳурмати рамзи бўлди.

"Севимли нарсаларга машаққат билан, яхшиликка эса ўзига севимли бўлган нарсаларни сарф қилиш эвазига эришилади" — деган эди аллома. Воқеан, ўзи шу тариқа, нина билан қудуқ қазигандек, илм жавоҳиротлари сари йўл очди. Бани башарга билим хазинасидан самарали фойдаланиш сирларини ўргатди. Ҳаётни, турмушни, жамиятни, дунёни тинимсиз янгилаб туришни, фаол ва изчил равишда яхшилаб боришни уқтирди.

Ҳа, бугун дунё мутлақо ўзгарди. Энди дунёни яна бир бор ҳайратга солиш навбати Берунийнинг зукко ва салоҳиятли авлодларига келди. Буни эса Истиқлолнинг бахтли ва парвози баланд фарзандлари шак-шубҳасиз уддалашига ишончимиз комил.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**шарҳловчи.**

Спорт ● Sport ● Спорт

# Шарқ якка курашлари фестивали

***Бундан тўрт йил муқаддам мамлакатимизда Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази ташкил этилган эди.***



Ўтган қисқа давр ичида марказ томонидан амалга оширилган ижобий ишлар самараси ўлароқ, ҳамюртларимизнинг яккакураш спорт турлари бўйича қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ҳам сезиларли даражада ошди. Шунингдек, Ўзбекистонда таэквондонинг ITF ва WTF йўналишлари, кикбоксинг, универсал жанг, қўл жанги бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари зўр муваффақият билан уюштирилди. Бугунги кунга келиб, Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази атрофига бирлашган федерациялар сони йигирмадан ошиб кетди.

Куни кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилган Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати IV анъанавий фестивали ҳам катта спорт байрамига айланди. Унда республикамиздаги Шарқ яккакурашлари федерациялари вакиллари ўзларининг кўргазмали чиқишлари билан томошабинларни хушнуд этишди.

Фестиваль доирасида 2008 йилда энг яхши ютуқларга эришган спортчиларга турли номинациялар бўйича махсус совғалар топширилди. Унга кўра, Пекинда ўтказилган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари иштирокчиси Акмал Эргашев (таэквондо WTF) "Йилнинг энг яхши эркак спортчиси", Зумрад Тазетдинова (шотакан каратэ-до) "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси", деб топилди.

Шунингдек, бошқа номинациялар бўйича ҳам пешқадамлик қилганлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

# «Пахтакор»да мураббий ўзгарди

«Пахтакор» жамоаси бош мураббийи Равшан Ҳайдаров истеъфога чиқди.

"Пахтакор" футбол клуби вице-президенти Самвел Бабаян ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлади:

— «Пахтакор» жамоаси Равшан Ҳайдаров мураббийлигида сезиларли ютуқларга эришди. Жумладан, 2007 йили МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубогини қўлга киритди ва жорий йил бошида ушбу нуфузли турнирнинг финалигача етиб борди. Бундан ташқари, қаторасига бир неча бор мамлакат чемпиони бўлди. Аммо жамоамиз чемпионатнинг сўнгги турларида кутилган натижага эриша олмаяпти. Энди Равшан Ҳайдаров клуб селекция хизматига раҳбарлик қилади.

Бош мураббий вазифасини бажариш футбол мухлисларига яхши таниш бўлган Виктор Жалилов зиммасига юклатилди.

# Ғалаба ҳам ёрдам бера олмади

***Кеча МҲСК стадионида "Бунёдкор" жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг ярим финал жавоб учрашувида Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" клубига қарши майдонга тушди.***

Эсингизда бўлса, биринчи ўйинда "Яшил қитъа" футболчилари 3:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Шу сабабли жавоб учрашувида вакилларимиз рақиб дарвозасига тўртта тўп йўллаши зарур эди. Аммо буни Зико шогирдлари уддалай олишмади. Ёш ҳужумчимиз Баҳодир Пардаев томонидан киритилган ягона гол (1:0) эвазига "Бунёдкор" жамоаси зафар қучган бўлса-да, икки ўйин натижасига кўра, "Аделаида Юнайтед" финал йўлланмасини қўлга киритди.

# Дастлабки чорак финал йўлланмалари

***Пойтахтимиздаги «Чиғатой» футбол марказида мини футбол бўйича Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилаётган турнирда дастлабки чорак финал иштирокчилари номи маълум бўлди.***

Кеча бўлиб ўтган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

**«А» гуруҳи:** "МТРК" (Миллий телерадиокомпания) — "Барака" ("Жаҳон" АА) 3:3, ЎзДЖТУ (Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети) — "Чемпион" 3:3.

**"В" гуруҳи:** "Маърифат" — "Тошкент телерадиоканали" 1:3, "Туркистон" — "Ўзбекистон овози" 0:10.

**"С" гуруҳи:** "Ўзбекистон футболи" — "Жамият" 2:1, "Туркистон пресс"— "Ватанпарвар" 1:6.

**"Д" гуруҳи:** "Машъал-спорт" — "Ҳуқуқ" 2:2, "Янги аср авлоди" — "Хонадон" 2:4.

Шундай қилиб, бугунгача ўтказилган беллашувлар якунига кўра, "Ўзбекистон овози", "Ўзбекистон футболи" ва "Хонадон" газеталари ҳаваскор футболчилари муддатидан олдин чорак финал йўлланмасини қўлга киритдилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт ● Sport ● Спорт

Танлов

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ТАЛАБАНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

***Италиянинг Ланчиано шаҳрида мусиқа ижрочиларининг Астора Пьяццолли номидаги 10-Халқаро танлови бўлиб ўтди.***

Унда Европанинг 20 та давлатидан ва МДҲ мамлакатларидан яккахон ижрочи ва ансамбллар қатнашди. Ушбу танловда Ўзбекистон шарафини Тошкент давлат консерваторияси 3-босқич талабаси Виктория Сапарова ҳимоя қилди.

Танлов натижаларига кўра, пуфлаб чалинадиган асбоблар ижрочилари орасида биринчи ўрин (олий мукофот) В. Сапаровага насиб этди. Шунингдек, у энг яхши ижрочи сифатида жамғарма президенти А. Пьяццолли мукофоти соҳибаси бўлди.

В. Сапарованинг саксофонда итальян композиторлари асарларини юксак маҳорат билан ижро этиши экспертлар томонидан юқори баҳоланди. Ўзбекистон вакиласининг ҳар бир чиқиши гулдурос олқишлар билан қарши олинди.

Ўзбекистонлик танлов ғолибасини табриклар экан, танлов ҳайъати раиси, бастакор В. Зубицкий, Викториянинг ғалабаси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳар томонлама ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, ёшларнинг ижодий фаоллигини оширишга, уларнинг халқаро фестиваль ва танловларда иштирокини таъминлашга йўналтирилган сиёсатининг меваси эканлигини таъкидлади.

**«Жаҳон» АА**
Рим.


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ



(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Мирobод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru





Халқаро альтернатив қўнғироқлар

Барча қитъаларга қўнғироқлар*

Альтернатив теришда ягона тариф

000 + халқаро форматдаги абонент рақами

$0,99 (бир дақиқа учун)

Изоҳ:

*Барча мамлакатларга қўнғироқлар қилиш мумкин (МДҲ, Валлис/Футуна, Вануату, Шарқий Тимор, Гвинея-Биссау, Гренландия, Гуантанамо, Диего Гарсия, Кирибати, Шимолий Корея, Куба, Науру, Ниуе ороли, Ав. Елена ороли, Асунсьон ороллари, Кук ороллари, Фолкланд ороллари, Палау, Папуа Янги Гвинея, Сан Том, Сурия, Соломонов ороллари, Сомали, Токелау, Тувалу ва йўлдош алоқа операторлари бундан мустасно).

Барча тариф режаларида (RED ва ПМЕдан ташқари) халқаро алоқа нархига абонентнинг қўнғироқ қилиш вақтидаги ўрнатилган хизмат режасига мувофиқ эфир вақти нархи қўшилади.

МТС алоқа оператори МТС

Хизматлар лицензияланган



РАТБ «Ғаллабанк»

томонидан 1 йиллик муддат билан «Фойдали» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда.

*Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорида устама ҳисобланади ва фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.*

*«Ғаллабанк» — хонадонингизга барака келтирсин!*

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89.

www.gallabank.com Хизматлар лицензияланган

Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.30 8